

УДК 004.42

О.Қ. Хўжаев, Ш.Н. Саидрасулов, О.Т.Алламов

МАЪЛУМОТЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАҲЛИЛИ ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШ СОҲАЛАРИ

Мазкур ишда ҳозирда Ўзбекистон Республикасида дастурий воситалар соҳасида қилинаётган ишлар, ишлатилаётган дастурий воситалар ва уларни маълумотларни интеллектуал таҳлили билан боғлиқ жиҳатлари берилган. Маълумотларни интеллектуал таҳлили дастурий воситалари ва уларнинг қўлланилиш соҳалари ҳакида солиштира таҳлил асосида маълумотлар келтирилган. Ҳозирда мавжуд маълумотларни интеллектуал таҳлили дастурий тъминотлари умумий вазифалари ва имкониятлари келтириб ўтилган. Ундан ташқари энг кўп ишлатиладиган маълумотларни интеллектуал таҳлили дастурий воситаларни имкониятлари бўйича қиёсий таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: Маълумотларни интеллектуал таҳлили, KNIME, Rapid miner, Orange, Tanagra, синфларга ажратиш, башоратлаш, синфлаштириш.

Республикамизда ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш ва тадбиқ этиш учун бир нечта қонунчилик базаси ишлаб чиқилган:

- Ахборотлаштириш тўғрисида;
- Электрон рақамли имзо тўғрисида;
- Электрон хужжат айланиши тўғрисида;
- Электрон тижорат тўғрисида;
- Электрон тўловлар тўғрисида;

Бу ишлаб чиқарилган қонун ва қарорларни самараси ўлароқ жамиятнинг турли соҳаларига тегишли бўлган маълумотларини йиғиш, марказлашган ҳолда уларга ишлов бериш, уларни бошқариш каби ишларни амалга оширувчи дастурий тъминотлар сони ва улардан фойдаланиш кундан-кунга ошиб бормоқда:

- Корхона, ташкилотларда электрон хужжат алманишини тъминловчи дастурий тъминотлар- E-hujjat, Docs Open, Microsoft SharePoint Portal Server Optima, Workflow, "БОСС-Референт", "Евфрат", DocFlow (NCI Project), NauDoc Lotus Domino.doc, Globus Professional ва бошқалар.

- Таълим соҳаси учун яратилган виртуал таълим тизимлари- Chamilo, Claroline, Dokeos, Moodle, ILIAS ва бошқалар.

- Соғлиқни сақлаш муассасалари учун ишлаб чиқилган дастурий тъминотлар- OpenEMR, GNU health , FreeMED, Hospital OS, HRHIS ва бошқалар.

Бундай дастурий воситаларни яна бошқа соҳа корхоналари учун ҳам кўплаб келтириб мумкин ва уларнинг кўпчилиги очик кодли GNU/GPL лицензияси асосида тарқатиладиган дастурний тъминотлар ҳисобланиб булардан бемалол фойдаланиш мумкин.

Бу каби ишлар факатгина маълумотлар базасини йиғиши ва марказлашган маълумотлар базасини яратган ҳолда шу бўйича турли сўровларга жавоб бериш, ҳар хил форматдаги ҳисоботлар яратиш имконини яратади холос. Булардан ташқари биз йиғилган маълумотлар базасини таҳлил қилиб корхона ёки ташкилот ривожини башорат қилишимиз ва маълумотларни таҳлил қилиш мобайнида маълумотларни синфлаштириш ва синфларга ажратишими мумкин. Бу масалалар маълумотларни интеллектуал таҳлилининг асосий масалалари саналади. Ҳозирда маълумотларни интеллектуал таҳлили усул ва алгоритмларини қўйидаги соҳа масалаларига қўллаш яхши самара беради:

1) *Банк соҳаси:* банк соҳасидаги катта ҳажмдаги маълумотлар базасидан фойдаланиб келгусидаги жараёнларни башорат қилиш мумкин. Кредит муаммоларини ечишда ҳам қўллаш мумкун. Фойдаланувчилар пластик карталарларидаги маблағлар сарфини ҳам башорат қилишда муҳим ҳисобланади.

2) *Саноат ва ишлаб чиқарши соҳаси:* мавсумий хомашё келтирилган корхоналар учун олдинги йиллардаги кундалик хомашё келиши ҳакидаги маълумотларга асосланган ҳолда жорий йил учун ишчи кучини тақсимлаш. Ишлаб чиқариш корхоналари учун талаблар базаси асосида бугун ва эрта учун қанча маҳсулот ишлаб чиқарса мақсадга мувофиқлигини башорат қилиш мухим ахамият касб этади.

3) *Маркетинг соҳаси:* Супермаркетлар учун мижозларни демографик классификациясини аниқлаш, ҳар бир маҳсулотга бўлган келгусидаги талабни айтиш бизнес ривожи учун зарур ҳисобланади.

4) *Соғлиқни сақлаши соҳаси:* Беморларни демографик классификация қилиш, касалликларнинг симптомлари бўйича бир-бирига боғлиқлик даражаларини ўрганиш, олдиндан йиғилган маълумотлар базаси асосида шифохоналарга bemorларни келишини башорат қилиш ва шу асосида дори воситалари тақсимотини йўлга қўйиш.

5) *Сугурта соҳаси:* Бу соҳада ҳам маълумотларни интеллектуал таҳлилининг классификация ва башоратлаш масалаларини қўллаш яхши самара беради, сугурта полиси олувчи мижозларни синфлаштириш ва сугуртага бўлган талабни мавсум бўйича башоратлаш.

6) *Қонунчилик соҳаси:* Жиноятлар ҳакидаги маълумотлар базасини таҳлил қилинган ҳолда регионлар бўйича жиноятларни синфлаштириш, жиноятчиликнинг энг асосий атрибуларни аниқлаш каби муаммоларни ечишда ёрдам беради.

7) *Мудофа соҳаси:* маълумотларнинг интеллектуал таҳлили армия ва уни ҳарбий техникасининг бир жойдан бошқа жойга кўчириш ва моддий ресурслар тақсимотини башоратлашда қўлланилади.

8) *Брокерлик ташкилотлари ва қимматбаҳо қоғозлар бозори:* бу соҳада маълумотларнинг интеллектуал таҳлили акциялар бозорида нархларнинг қимматлаши ёки арzonлашишини башорат қилиши ва шунга асосланниб сотиш ёки сотиб олишни маслаҳат берувчи эксперт системаларни яратишда қўлланилади.

9) *Интерактив хизматларни яратиш соҳасида:* фойдаланувчилар учун турли мақсадларда маълумотларни интеллектуал таҳлил қилишда, башоратлашда ва синфларга ажратишида қўллаш яхши самара беради. Масалан, транспорт воситалари харакатини тартибга солиш ва шахарларда тирбандликларни камайтириш учун фойдаланувчиларга бир жойдан бошқасига борадиган энг мақбул маршрутларни танлашда муҳим хисобланади.

Маълумотларни интеллектуал таҳлили - оддий маълумот анализи воситаларидан то мураккаб, ҳақиқий моделли ва катта маълумотлар орасидаги боғланишларни аниқлайдиган воситаларни ўз ичига олади. Бундай воситаларга статистик моделлар, математик алгоритм ва машинали ўқитиш алгоритмларни қўшиш мумкин. Ўз навбатида, маълумотларни интеллектуал таҳлили жуда кўп маълумотлар тўпламини бошқариш, таҳлил қилиш ва башоратлашларни ҳам ўз ичига олади[1].

Маълумотларни интеллектуал таҳлили масалаларини ечиш учун мўлжалланган дастурий таъминотларнинг тарихи қисқа, лекин шу қиска давр мобайнида кўпгина ишлар нашр қилинган. Маълумотларни интеллектуал таҳлили атамасининг ўзи 90-йиллар ўрталарида пайдо бўлди. Дастлаб яратилган маълумотларни интеллектуал таҳлили дастурларга DOS ёки UNIX тизимида ишловчи, маълумотларни текст файлдан ўқиб C4.5 алгоритми бўйича классификация масаласини ечадиган дастурни келтириш мумкин[2].

Хозирги кунга келиб маълумотларни интеллектуал таҳлили масалалари ечиш учун барча яратилган дастурий таъминотлар қўйдагича умумий вазифаларга эга:

- Маълумотларни дастлабки кўриб чиқиш учун статистик таҳлил воситалари;
- Маълумотларни визуализация қилиш учун турли усуслар мавжуд:
 - Гистограммалар;
 - Диаграммалар;
 - Параллел координаталар системаси;
 - Графикларни тақсимлаш ва бошқалар;
- Маълумотларга ишлов бериш учун стандарт компоненталар (маълумотлар базаси билан уланиш ва унга турли хил сўровлар бериш, дискретлаш ва тартиблаш функциялари, қисм тўпламларни танлаш ва бошқалар);
- Маълумотларни ўқув танланмаларсиз таҳлили методлари (асосий компонентли таҳлил, турли кластеризация алгоритмлари, ассоциатив қоидаларни чиқариш, қисм гурӯхлар таҳлили методлари ва бошқалар);
- Маълумотларни ўқув танланмали таҳлили методлари (классификация қоидалари ва дараҳтлар, таянч векторлар тизими, нави Байес классификаторлари ва бошқалар);
- Моделни баҳолаш воситалари (классификация аниқлиги, сезувчанлик, сонли таҳлил натижалари ва бошқалар)

- Бошқариладиган ва бошқарилмайдиган таҳлил асосида ишланган маълумотларни башоратлаш моделлари;
- Моделни қандайдир стандарт форматда сақлаш (масалан PMML формати);
- Натижалар бўйича турли хил хисоботларни чиқариш.

Юкорида санаб ўтилган модулларни баъзиларини ўзида жамлаган дастурий воситалар мавжуд. Куйида кўп фойдаланувчилар ишлатадиган маълумотларни интеллектуал таҳлили дастурий воситалари ва уларни имкониятлари бўйича маълумотларни таққослаб келтириб ўтамиз.

1) **KNIME** – маълумотларни интеллектуал таҳлили масалалари учун очиқ кодли дастурий восита хисобланади. Java дастурлаш тили асосида қурилган. Асосий афзалликлари маълумотлар таҳлилини лойиҳалаш жуда қулиялиги ва кўпгина маълумотларни интеллектуал таҳлилининг машҳур усуслари ва алгоритмларини ўзида жамлаганлиги билан ажралиб туради. Ундан ташқари R[4], Weka каби бошқа маълумотларни интеллектуал таҳлил дастурлари билан ҳам интеграциялаша олади[1][2].

2) **Rapid Miner** – маълумотларни интеллектуал таҳлили масалалари учун очиқ кодли дастурий восита хисобланади. У операцион тизим танламайдиган ва унинг махсулотлари билан интеграциялаша оладиган яхлит тизим бўлиб, яхши график интерфейсга эга. Маълумотлар таҳлилидаги жараёнлар модулларга ажратилган холда, график шаклда тасвирларни беради.

3) **Weka** – маълумотларни интеллектуал таҳлили масалаларини ечиш учун бир нечта машинали ўқитиш алгоритмларини ўзида жамлаган дастурий восита хисобланади[5]. Weka Java дастурлаш тили асосида қурилган дастурий восита бўлиб, турли операцион тизимларда ҳам ишлай олади ва маълумотларга дастлабки ишлов бериш, классификация, кластеризация, регрессия, ассоциатив хотира ва визуализация воситаларидан иборат[6].

4) **Tanagra** – маълумотларни интеллектуал таҳлил қила оладиган машинали ўқитиш, статистик ўқитишнинг бир нечта усул ва алгоритмларини ўзида жамлаган очиқ кодли дастурий восита хисобланади. У асосан илмий изланиш олиб борадиганлар учун ишлаб чиқилган. Унинг юкорида келтирилган дастурлардан устунлик қилувчи имкониятларидан бири бу фойдаланувчилар ҳам ўзлари яратган методларни тизимга киритишлари мумкин ва ўзи яратган усул натижаларини бошқа алгоритмлар ёрдамида олинган натижалар билан солиштришлари мумкин.

5) **Orange** – очиқ кодли дастурий воситаси хисобланиб, турли хил операцион тизимларда ишлай олади. Унда маълумотлар таҳлилини лойиҳалаш яхши йўлга қўйилган, визуал дастурлаш ва Python скриптларини кўллаб кувватлайди. Бу дастур асосан турли хил визуализация услублари борлиги билан ҳам машҳур хисобланади[7]. Келтирилган дастурлар солиштирма таҳлилини 1-жадвалда келтирамиз.

Маълумотларни интеллектуал таҳлил дастурый воситаларининг солиштирма таҳлили

Жараён	KNIME	Rapid Miner	Weka	Tanagra	Orange
Маълумотлар базасини ўқитилувчи ва тестловчи тўпламларга ажратиш	Чекланган имкониятлар асосида ажратади олади	Чекланган имкониятлар асосида ажратади олади	Чекланган имкониятлар асосида ажратади олади	Чекланган имкониятлар асосида ажратади олади	Чекланган имкониятлар асосида ажратади олади
Масштаблаш дескрипторлари	Бундай имконият мавжуд	Бундай имконият мавжуд	Бундай имконият мавжуд эмас	Бундай имконият мавжуд эмас	Бундай имконият мавжуд эмас
Танлаш дескрипторлари	Бундай методлар йўқ	Бундай имконият мавжуд	Бундай имконият мавжуд	Факат логистик регрессия учун имкониятлар мавжуд.	Бундай методлар йўқ
Статистик/Эвристик методларнинг оптимизациялаш параметри	Бундай имконият мавжуд эмас	Бундай имконият мавжуд	Бундай имконият мавжуд эмас	Бундай имконият мавжуд эмас	Бундай имконият мавжуд эмас
Моделни текшириша cross-validation методдан фойдаланадими ёки мустакил тестлаш тўпламидан?	Фақат хатоликлар ўзгаришининг чекланган методлари мавжуд	Бундай имконият мавжуд	Бу имконият мавжуд созланган теслаш усулини сақлаш имкони йўқ ва буни ҳар бир маълумотлар базаси учун қайта килиш зарур	Мустакил тестлаш тўпламлари ёрдамида текшириш имконияти йўқ	Бу имконият мавжуд созланган теслаш усулини сақлаш имкони йўқ ва буни ҳар бир маълумотлар базаси учун қайта килиш зарур

Юкорида тақкослаб ўтган маълумотларнинг инетелектуал таҳлили дастурый воситалари текин дастурый таъминотлар ҳисобланади. Уларнинг имкониятлари бўйича солиштришда кўринадики Rapid Miner дастури бошқа дастурларга қараганда мукаммалроқ ҳисобланади.

Таҳлиллар натижалари шуни кўрсатадики корхона ёки ташкилотларда иш жараёнини баҳолаш учун ҳам соҳа корхоналари учун яратилган дастурый таъминотлардан ташқари шу дастурлар асосида яратилган маълумотлар базаларини интеллектуал таҳлил дастурый воситаларидан фойдаланиш ёки мавжуд соҳа корхоналари дастурый воситаларига маълумотларнинг интеллектуал таҳлили модуларини қўшган ҳолда яратиш муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Blat Zupan, Janez Demsar. Open-source tools for data mining. Clin lab Med (2008)
- 2.Hoffman P.E., Grinstein G.G., Marx K.E., DNA visual and analytic datamining. Phoenix (AZ):In Proc. IEEE Visualization; 1997.
3. Witten IH, Frank E. Datamining: practical machine learning tools and techniques with Java implementations. 2nd edition. San Francisco (CA): Morgan Kaufmann; 2005.
- 4.<http://www.r-project.org/> accessed on February 2013.
- 5.<http://www.cs.waikato.ac.nz/ml/weka/> accessed on February 2013.
- 6.[http://en.wikipedia.org/wiki/Weka_\(machine_learning\)](http://en.wikipedia.org/wiki/Weka_(machine_learning)) accessed on February 2013.
- 7.<http://orange.biolab.si/features/> accessed on February 2013.
- 8.<http://rapid-i.com/content/view/181/190/> accessed on February 2013.
- 9.<http://eric.univ-yon2.fr/~ricco/tanagra/en/tanagra.html> accessed on February 2013.
- 10.<http://blog.revolutionanalytics.com/2012/05/r-tops-data-mining-poll.html> accessed on February 2013.
- 11.<http://www.kdnuggets.com/2012/05/top-analytics-data-mining-big-data-software.html> accessed on February 2013.

12.<http://invensis.net/blog/industry-news/data-mining-future-trends-predicted-2012> accessed on February 2013.

Хужаев Отабек Қадамбоевич

Мустакил изланувчи, “Ахборот технологияларининг дастурый таъминоти” кафедраси, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ)

Тел.:(+99894)-658-47-71;

Эл. почта: otabek.hujaev@gmail.com;

Сайдрасулов Шерзод Норбай ўғли

Мустакил изланувчи, “Ахборот технологияларининг дастурый таъминоти” кафедраси, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ)

Тел.:(+99899)-8338363,

Эл. почта: sh.saidrasulov@mitc.uz

Алламов Ойбек Турабаевич

Мустакил изланувчи, “Ахборот технологияларининг дастурый таъминоти” кафедраси, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ)

Тел.: (+99893)-758-84-8);

Эл. почта:oybek.allamov@gmail.com;

Khojayev O.K , Saidrasulov Sh.N., Allamov O.T.

Implementing Of Software For Intellectual Data Analysis And Their Comparative Analysis

In this paper provides information on activities in the field of software development in the Republic of Uzbekistan, about the used software tools and their relationship to data mining. Provides detailed information about the software associated with data mining. Given the common tasks in the application of existing software data mining. Besides the comparative analysis of the most popular data mining tools.

Keywords: data mining, KNIME, Rapid Miner, Orange, Tanagra, classification, forecasting, clustering, methods.